Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
19-mart,
shanba

№ 33
(3694)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Эътироф

Винод КУМАР:

Наврўз — меҳр-оқибат, эзгулик ва қадриятлар кўзгуси

Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Винод КУМАР билан суҳбатлашди.

— Жаноб элчи, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги маданий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида фикрингизни баён қилсангиз?

— Аввало, шуни таъкидлашим керакки, Ўзбекистондаги дипломатик фаолиятимни ўтган йил май ойида бошлаган эдим. Шу вақт мобайнида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар улкан самаралар бераётганига бевосита гувоҳ бўлдим. Беқиёс ўзгаришлар шаҳар-қишлоқлар қиёфасида, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги ошиб, барча соҳалар изчил ривожланаётганида яққол кўзга ташланади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва маърифий алоқалар узоқ асрларга бориб тақалади. Халқларимиз қадимдан мустаҳкам дўстлик ришталари билан боғланган. Тарихимиз, адабиётимиз, мусиқа, тасвирий санъат ва меъморчилигимизда ўхшаш жиҳатлар кўп.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг 2015 йил июл ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун кенг имкониятлар очди.

— Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Ўзбекистон қадимдан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган юрт сифатида дунёга машҳур. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқингизнинг маданий меросини асраб-авайлаш, миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш, ривожлантириш ва тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ.

Наврўз меҳр-оқибат, эзгулик ва қадриятлар кўзгусидир. Юртингизда бу байрам катта тантана билан нишонланишини биламан. Наврўз арафасида барча шаҳару қишлоқлар шундай кўркам қиёфа касб этганки, таърифлашга сўз ожиз.

Майдон ва хиёбонларда ўтказиладиган байрам томошалари, турли мусобақалар бутун элни жипслаштиради. Буларнинг бари халқингизнинг миллий қадриятларга содиқлигидан, фарзандларини шу руҳда тарбиялаётганидан, тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби эзгу ғояларни дунёга тарғиб этиб келаётганидан далолат беради. Бундай хайрли ишларда халқингизнинг фаоллигига, меҳр-оқибатига ҳавас қилса арзийди.

Оила аъзоларимиз билан Наврўз байрамини илк маротаба гўзал ва мафтункор Ўзбекистонда кутиб олаётганимиздан бахтиёрмиз. Тошкент шаҳрининг майдон ва хиёбонларида ўтказиладиган байрам сайилларини томоша қилишни интизорлик билан кутмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин юракдан муборакбод этаман. Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, мамлакатингизга янада юксак тараққиёт ва равнақ тилайман.

ЎзА мухбири
Матназар ЭЛМУРОДОВ
суҳбатлашди.

ЎзА суратлари

Тадбиркорлар учун имконият

Самарқандда вилоятдаги йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Унда вилоятдаги 300 дан зиёд йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхонаси, хусусий тадбиркорлар билан бирга мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан 70 га яқин корхона ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Президентимиз раҳнамолигида маҳаллий хомашё асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш, йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллийлаштириш дастурининг самарали амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кооперация алоқалари ривожланиб, маҳсулот тури ва сифати ошмоқда, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Буни жорий йилги ҳудудий ярмаркада ўз маҳсулоти билан қатнашган саноат корхоналари сони ўтган йилга нисбатан ўн фоиз кўпайиб, уларнинг 80 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этаётганида ҳам кўриш мумкин. 2015 йилги ҳудудий саноат ярмаркасида 72 миллиард сўмлик шартномалар имзоланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 80 миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда.

Кўргазмада қурилиш материаллари, мебел, гилам ва трикотаж буюмлари, машинасозлик, электр техника саноати, халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари кенг ассортиментда намойиш этилди. Вилоятдаги савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар маҳсулот харид қилиш юзасидан шу ернинг ўзида келишувга эришиб, шартномалар имзолади. Вилоятдаги тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар бу борада уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатди.

— Ярмарка биз, тадбиркорлар учун ўз маҳсулотимизни намойиш этиш ва харидор топиш, ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда қулай имконият, — дейди Ургут туманидаги «Sam silver plast» масъулияти чекланган жамияти раҳбари С.Ҳайдаров. — Шунинг учун ҳар йили ярмаркада фаол қатнашиш ва янги турдаги маҳсулотларимизни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бу йил ҳам корхонамизда ишлаб чиқарилаётган турли газ плита ва электр духовкаларни намойиш этиб, 20 га яқин шартнома тузишга эришдик.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги олдидан

Ғурур ва ифтихор маскани



«Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади. Кейинги бекат «Амир Темур хиёбони!» Тошкент метрополитенида шундай бекатлар бор: тасвири, манзараси, пардози номига ўйғун. Масалан, «Алишер Навоий» бекатидаги «Хамса» қаҳрамонлари тасвири, нақшинкор гумбазлар, савлатли устунлар кишини хаёлан улуғ шоир дунёсига етаклайди, унинг маънавий куч-қуввати ва жаҳон бадиий тафаккурига қўшган ҳиссасини ёдга солади.

Яна шундай бекатлар бор: бекат номини эшитган йўловчи ўзини олис ўтмишга бориб қолгандай ҳис қилади ва қалбида миллий ғурур жўш уради. «Амир Темур хиёбони» ана шундай бекатлардан.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Амир Темур бобомиз хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу йил Амир Темур таваллудига 680 йил тўлади. Ушбу сана Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига тўғри келганида ҳам рамзий маъно бор. Амир Темур айни шу ёшларида Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик, ўзаро курашлар ва бошбошдоқлик ҳукм сурган даврда қаҳрамонлик кўрсатган. Юртда тинчлик, одамлар ҳаётида ҳаловат, марказлашган қудратли давлат барпо этишдек эзгу ишларни бошлаган.

Соҳибқирон бугун халқимизнинг ғурур-ифтихори, беқиёс қудрати тимсолига айланган. Президентимиз таъбири билан айтганда, Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

...Поезд секинлай бошлайди. Зум ўтмай атроф ёришади. Оқ, қизғиш, қора ва кулранг тусдаги мармар билан пардозланган, икки четида улуғвор устунлар қад ростлаган бекатга кириб келасиз.

«Амир Темур хиёбони» — гавжум бекат. Йўловчилар оқими тинмайди. Ора-орада диспетчер поезд келаётганини маълум қилади. Ҳар куни бу ердан минглаб йўловчилар кундалик юмушлари билан ўз манзилига ошиқади. Кимдир ишга, кимдир ўқишга...

Навбатдаги поезд келгунча йўловчилардан бирини суҳбатга тортамиз. Ўзини Аваз Жамолов деб таништирган йигит Тошкент молия институтида ўқиркан. Метрода қатнашини айтиб, миллий меъморлик ва замонавий архитектуранинг ноёб намунаси бўлган ушбу бекат билан боғлиқ фикрларини баён қилди:

(3).

Наврўз шукуҳи

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш борасида мамлакатимизда катта тажриба тўпланган. Мазкур йўналишлардаги ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Саховатга йўғрилган тадбирлар

Шу мақсадда Наврўз байрами арафасида касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоалари иштирокида корхоналар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, янги боғларни барпо этишга киришилди. «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 туп кўчат — менинг туҳфам» шиори остида корхона ва ташкилотлар ҳудуди, хиёбонларга 100 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Меҳнат жамоаларида «Наврўз — қадриятларимиз тимсоли», «Миллий қадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз» мавзуларида «Маънавият соатлари», давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Турли соҳа ходимлари ўртасида халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилиб, 1000 га яқин меҳнаткашлар, ёш оилалар республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатга олиб борилди.

(2).

Янгликлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан «Карантин тадбирларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда ўсимлик маҳсулотлари экспорти ва импорти бўйича халқаро алоқаларнинг кенгайиб бораётгани, хорижий давлатлардан ўсимлик уруғлари, мева-сабзавот, полиз экинлари ва манзарали ўсимликларнинг янги навлари кириб келаётгани ўсимлик ва унга мансуб фитосанитария назоратини кучайтиришни тақозо этаётгани таъкидланди.

Давра суҳбатида соҳанинг етакчи мутахассис ва олимлари томонидан бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида Халқаро франкофония куни ўтказилди. 20 март — Халқаро франкофония ташкилотига (ХФТ) асос солинган кунга бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирда профессор-ўқитувчилар, талабалар, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбир доирасида Франция, Швейцария, Болгария, Грузия, Чехия, Руминия, Миср, Украина каби ХФТга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари томонидан илмий-маданий кўргазма, француз тили бўйича танловлар ўтказилди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди ҳамда Францияга бир ойлик саёҳат йўлланмасини қўлга киритди.

Андижонда ўтказилган «Ташаббус — 2016» кўрик-танловининг вилоят босқичида 138 тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз маҳсулотини намойиш этди.

Кўргазмада фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, қадоқланган асал ва йогуртлар, ҳунармандлар тайёрлаган замонавий кўринишдаги бежирим либослар, миллий дўппилар, ҳайкалтарошлик ҳамда дурадгорлик буюмлари кўпчилик эътиборини тортди.

Андижон шаҳридаги «Eko comfort elegant» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдулҳамид Исломов «Энг яхши тадбиркор», Шаҳрихон туманидаги «Иномжон файз» фермер хўжалиги раиси Одинахон Отахонова «Энг яхши фермер», пахтаободлик ҳунарманд-кулол Муҳаммадиброҳим Исроилов «Энг яхши ҳунарманд» йўналишларида биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

«Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш тадбиркор», «Энг ёш фермер», «Энг ёш ҳунарманд», «Энг яхши оилавий тадбиркор», «Энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

Саховатга йўғрилган тадбирлар

(1).

Наврўз байрами арафасида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсионерлар, меҳнат фахрийлари, жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳолидан хабар олинди. Хусусан, 2 минг нафардан зиёд ёлғиз кексалар, пенсионер ва жисмоний имконияти чекланган инсонларга касаба уюшмалари томонидан озиқ-овқат ва дори-дармонлар тўпламлари тақдим этилди. Республикамизнинг барча ҳудудларидаги 14 та «Саховат» ва «Мурувват» уйларида истиқомат қилувчи инсонлар ҳолидан хабар олиниб, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Ушбу масканларда яшовчи инсонларнинг маиший шароитларини янада яхшилашга кўмаклашиш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан замонавий музлатгич, телевизор каби техника жиҳозлари тортиқ қилинди.

Байрам тадбирларидан яна бири «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий таъмирлаш-механика заводида ўтказилди. «Наврўз — қадриятларимиз тимсоли» шиори остида уюштирилган мазкур маънавий-маърифий тадбирга корхона меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзолари, жамоада кўп йиллар фаолият кўрсатиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари таклиф этилди. Бир пиёла чой устида қурилган суҳбат сумалак ва ҳалим каби баҳорий таомлар билан янада файзиёб бўлди. Эл суйган санъаткорларнинг куй ва қўшиқларида юрт ободлиги, тинч ва осуда ҳаёт тараннум этилди.

Корхона меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ўтказилган миллий спорт ўйинлари мусобақалари кўнгилларга кўтаринки кайфият ва завқ-шавқ улашди. «Наврўз — янгиланиш ва ёшариш фасли» мавзуида кўргазмалар ташкил этилди.

Наврўз байрами арафасида комбинат раҳбарияти ва касаба уюшма кенгаши ташкилотчилигида Олмалиқ шаҳрини янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш мақсадида «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 туп кўчат — менинг туҳфам» шиори остида 7682 дона манзарали, мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Эзгу қадриятларимиз тимсоли бўлган айём муносабати билан корхона жамоа шартномасига асосан 300 дан ортиқ меҳнат фронти фахрийлари, пенсионерлар, байналмилал жангчилар, Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган фахрийлар ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олинди. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, комбинатнинг 38 та цех ва бўлинмаларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар учун маънавий-маърифий тадбирлар, байрам дастурлари ташкил этилди. Комбинат маъмурияти ва касаба уюшма кенгаши томонидан Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Тошкент вилоятининг Бўка туманларидаги «Меҳрибонлик» уйлари, Пискент тумани, Олмалиқ ва Ангрен шаҳарларидаги махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига байрам совғалари тақдим этилди. Миллий урф-одатларимизни намойиш этувчи маданий-маърифий тадбирлар, футбол, эркин кураш, катта теннис, енгил атлетика, баскетбол, шашка, шахмат, стол тенниси, волейбол, белбоғли кураш ва бокс бўйича оммавий спорт мусобақалари байрам шодиёналарига уланиб кетди.

***

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган байрам тадбирларидан яна бири Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» уйида ўтказилди.

Ушбу масканда истиқомат қилувчи 142 нафар кексалар, жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун ташкил этилган маданий-маърифий тадбир барчага хуш кайфият улашди. Шу билан бирга касаба уюшма фаоллари томонидан маскан ҳудудига 50 туп мевали ва манзарали кўчат ўтқазилиб, «Саховат» уйи ҳудудида янги боғ барпо этилди, ҳудудни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Масканда яшовчилар учун Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан замонавий музлатгич ҳадя этилди.

«Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси доирасида Оҳангарон шаҳрида яшовчи 40 йилдан зиёд ёшларга таълим-тарбия берган фахрий педагог Муҳайё ая Энонқулова хонадонига ташриф буюрилиб, касаба уюшмалари совғалари топширилди.

Худди шундай тадбирлар республикамиздаги барча «Саховат» ва «Мурувват» уйларида ўтказилиб, ёлғиз кексалар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Уларга Касаба уюшмалари Федерацияси совғалари тақдим этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати

Гўзаллик ва бағрикенглик айёми

Ҳар йили орзиқиб кутиладиган янгиланиш ва яшариш, шоду хуррамлик байрами Наврўз Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва унинг тизимидаги барча тармоқларда муносиб қарши олинмоқда. Байрамолди тадбирларида корхона, ташкилот ва муассасалар биноларининг атрофларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Маҳаллалар, аҳоли яшаш жойлари, маъмурий ва кўп қаватли бинолар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар тартибга келтирилди.

Наврўз байрами муносабати билан туман ва шаҳарлардаги бир гуруҳ ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга моддий ёрдам берилди. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги аёллар ва Қоракўл туманидаги эркаклар «Мурувват» уйларида истиқомат қилувчи қариялар ҳолидан хабар олинди, Маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида «Наврўз — қадриятларимиз тимсоли», «Наврўз — яшариш ва янгиланиш айёми, тинчлик ва тотувлик рамзи» мавзуидаги маънавий-маърифий, тарғибот тадбирлари, ҳашарлар, сумалак сайллари ҳамда миллий ўйинлар мусобақалари ташкил этилмоқда.

Розия НУСРАТОВА, бирлашма кенгаши матбуот котиби

***

Жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш ҳамда Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш ва уни ўтказишда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаяпти.

— Баҳор бошланибдики, байрамлар шодиёналарга уланмоқда. Аввал 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан корхонамиз фаришталари бўлмиш аёллар учун дастурхон ёзилиб, маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Ранго-ранг гуллар, қимматбаҳо совғалар топширилди. Сўнгра меҳнат байрами — ҳашар ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Ҳудуддаги боғимизга мевали ва манзарали кўчатлар экдик. Корхонамиз атрофини ободонлаштириб, кўкаламзорлаштирдик, — дейди «Оқолтин Дон маҳсулотлари» АЖ бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Ғайбулла Тоғаев. — Шу кунларда Наврўз ва Сумалак сайли ўтказиш тараддудидамиз. Куни кеча корхонамизда кўп йиллар ишлаб, нафақага чиққан, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийларимиз ҳолидан хабар олган эдик. Энди уларни бир пиёла чойга таклиф этиб, совғалар тортиқ қилиб, кўнгилларини янада кўтаришни ўйлаб турибмиз.

— Таҳририятимиз ходимлари учун Наврўз байрами ўтказилди, — дейди «Сирдарё ҳақиқати» ва «Сирдарьинская правда» газеталари бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Холида Пардабоева. — Тадбир учун касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи томонидан маблағ ажратилди. Наврўз шодиёнаси ҳамкасбларимизни бир мақсад йўлида янада жипслаштирди. Зеро, Наврўз — меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат байрамидир.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

***

Самарқанд шаҳридаги «Саховат» уйида Наврўз байрами олдидан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида маданий тадбир ўтказилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Наврўз байрами муносабати билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга иш берувчилар ва касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Кексаларга байрам совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Тадбирда «Саховат» уйида истиқомат қилаётган кексаларга касаба уюшмаларининг совғалари топширилди, Наврўзга бағишланган маданий дастур намойиш этилди.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 туп кўчат — менинг туҳфам» шиори остида муассаса ҳовлисига вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ходимлари томонидан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

***

Наврўз — яшариш, янгиланиш байрами. Юртимизда байрам арафасида хайрли амаллар, савобли ишларни қилишга эътибор янада ошди.

Куни кеча Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан уч нафар аёлга «Умид гулшани» санаторийсига бепул, уларнинг турмуш ўртоқларига эса имтиёзли йўлланмалар берилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

***

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан «Навоийазот» АЖ ишчиси Фотима Шафиева ҳамда шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходимаси Гулмира Кенжаевага соғлигини тиклаши учун «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланмалар берилди. Бу улар учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди.

— Онага эътибор — келажакка эътибор демакдир. Чунки аёллари маънан ва жисмонан соғлом бўлган жамиятнинг ёшлари ҳам эмин-эркинликда камол топади. Мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик негизида ҳам шундай юксак мақсадлар мужассам, — дейди бирлашма кенгаши ижтимоий суғурта бўлими етакчи мутахассиси М.Назарова.

Вилоятда соғломлаштириш акцияси доирасида бу каби хайрли ишлар қўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Руслан САБУРОВ, «Ishonch» мухбири

Семинар-тренинг

Қарши шаҳридаги «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компаниясида мазкур компания ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш, уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, меҳнатга оид муносабатларда ходимлар манфаати ҳамда ҳуқуқларини ҳимоялашга бағишланган амалий семинар-тренинг ўтказилди.

Амалий руҳда ўтди

Унда компания маъмурияти, тасарруфдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталари раислари, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши вакиллари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари қатнашди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳамда Нефтгаз ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2016 — 2018 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви асосида олиб борилаётган ишлар, янгидан тузилаётган жамоа шартномаларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар юзасидан тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Ғофуржон Ҳамидов батафсил маълумот берди.

Шунингдек, тренингда янги тузилаётган жамоа шартномаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимига киритиладиган тадбирлар, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари, меҳнат муҳофазаси бўйича Битим ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Муҳокамалар жараёнида «Ўзгеобурғунефтгаз» АК бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси С.Бўриев, компания мутахассислари, касаба уюшма аъзолари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Ҳуқуқини билган ютқазмайди





«Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонасида меҳнат қонунчилигига доир давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири Икром Ёқубов, шаҳар адлия бошқармаси тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлими бошлиғи Аброр Бердиев мавзу юзасидан маруза қилиб, ёшларга яратилган шароит ҳамда берилаётган имтиёзлар ҳақида атрофлича сўз юритишди.

Жумладан, Меҳнат кодексининг 84-моддаси «Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилар ишга қабул қилинганда, шунингдек, ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди», дея таҳрир қилингани ёшларимизга кўрсатилаётган яна бир эътибор намунаси эканлиги таъкидлаб ўтилди.

— Ўз ҳуқуқини билган одам асло ютқазмайди, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Омонулла Сафаев. — Меҳнат кодексига киритилган ўзгартишлар, қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ҳақида маълумот берилгани соҳа ходимлари учун жуда фойдали бўлди.

Тадбирда ёшларни қизиқтирган саволларга муфассал жавоб берилди.

Жамшид БЕРДИЕВ.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Тадбир

Билимлар бойиди

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раёсатининг қарори билан тасдиқланган «Норасмий бандликни чеклаш бўйича 2016 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» ижросини таъминлаш мақсадида Бахмал маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўқув-семинар ўтказилди.



Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири Э.Умурзоқов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи Ж.Эшонқулов, вилоят савдо-саноат палатаси ходими Ф.Маматқосимов, «Ҳунарманд» уюшмаси Бахмал туман бошқаруви раиси Н.Мелибоевалар иштирок этишди.

Жамоанинг ёш ходимлари ва коллеж битирувчилари жалб этилган ўқув-семинардан мақсад — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларида белгиланган вазифалар ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2016 — 2017 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини бевосита таъминлашдан иборат эди.

Иштирокчилар кичик бизнес корхоналарида меҳнат фаолиятини бошловчи касб-ҳунар коллежи битирувчиси, энг аввало, нималарга эътибор бериши кераклиги, меҳнат шартномаси тузиш, меҳнат дафтарчасини юритиш, касаба уюшмасига аъзо бўлиш афзалликлари тўғрисида кўникмага эга бўлдилар.

Шунингдек, меҳнат қонунчилигига асосан, касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга жойлашганда синов муддати белгиланмаслиги, касб-ҳунар коллежи битувчиларини ишга олган кичик бизнес корхоналарига солиқ имтиёзлари белгиланиши сингари ҳуқуқий сабоқлар ҳам берилди.

Мамадали ҚУЛБОЕВ, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Аъзолик афзалликлари

Ходимлар манфаати тўлиқ қамраб олиниши ҳар бир янги очилган корхона ёки ташкилотнинг касаба уюшмаларига жалб этилиши билан бевосита боғлиқ. Шубҳасиз, қаерда аъзолик афзалликлари тарғиботи яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда муваффақиятга эришилади.

Тарғиботга кўп нарса боғлиқ

Жумладан, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган касаба уюшма қўмитасида бу масалага жиддий эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг дастлабки чорагида аъзо ташкилотлар сони ортиб, 316 тага етди ҳамда 45388 нафар ходим аъзолик имтиёзларидан фойдаланишяпти.

— Сафимизга қўшилган нодавлат корхоналарда меҳнат қилаётган ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва соғломлаштириш масалалари ҳамиша диққат марказимизда, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши раиси Акмалжон Усмонов. — Ўтган йили қўмитамиз томонидан 123 та корхонада касаба уюшма ташкилоти ташкил этилиб, 2272 нафардан зиёд меҳнаткашлар ҳимояга олинди.

Жорий йил бошидан нодавлат корхоналардан бир нечтасида касаба уюшма қўмиталари тузилди. «СКС бизнес гроуп», «Ишонч транс сервис» МЧЖлар, «Фурқат қурилиш монтаж», «Деҳқонобод қурилиш» хусусий корхоналари шулар жумласидан.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Миннатдорлик

Эъзоз учун ташаккур

Касаба уюшмалари хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон туман кенгашининг хотин-қизлар комиссияси ҳам бу йўналишдаги тадбирларнинг ташаббускори ҳисобланади.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан тармоқда меҳнат қилаётган бир гуруҳ аёллар учун вилоятимиздаги «Етти пир» зиёратгоҳига саёҳат ташкил этилди. Саёҳатга фарзандларимиз билан чиққанимиз тадбирга ўзгача мазмун бахш этди. Қизим Фарангизнинг чеҳрасидаги бахтиёрликни кўриб, ўзим ҳам қувондим. Юртимизда аёллар, оналарнинг қадри баланд, доимо эъзозда эканига шукроналар айтдим. Барча саёҳатчилар номидан тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман.

Сожида ҲОЖИЕВА, Ғиждувон туман 15-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Ғурур ва ифтихор маскани

Амир Темур хиёбонидан репортаж

(1).

— Ҳар сафар «Амир Темур хиёбони» бекатига келганимда енгилмас қаҳрамон, буюк саркарда, улуғ маърифатпарвар — Амир Темур бобомизнинг табаррук сиймоси кўз ўнгимда намоён бўлади. У кишининг муборак руҳлари «авлодларим нималар билан шуғулланмоқда, қандай эзгу ишлар қилмоқда», дегандай бизни кузатиб, чор-атрофда кезиб юргандай туюлади. Қулоғимга Амир Темур бобомизнинг бутун инсониятни ақл-идрок, илму маърифат асосида яшашга даъват этган «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар», деган сўзлари чалинади. Бундан қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандай бўламан. Ана шу руҳий қувват биз, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга ундайди...

Бекатдан чиқиб, ер ости йўлидан борар экансиз, турли гуллар ифоридан дилингиз чоғ бўлади. Зиналардан кўтарила бошласангиз хиёбон марказида савлат тўкиб турган Амир Темур ҳайкали кўзга ташланади. Атроф обод, майсалар ямяшил. Бу бетакрор гўзалликка мафтун бўлган шоирнинг кечинмалари сизнинг ҳам кўнглингиздан ўтади:

Баҳор. Изоҳ шартмас албатта.
Бироқ янги сирни пайқадим:
Нафас ола бошлади ҳатто
Бу шаҳарнинг ҳамма ҳайкали.

Қаршингизда виқор билан отда ўтирган буюк саркарда намоён бўлади. У ўзининг жанговар либосида. Лекин қиличи қинида. Чап қўлида от жиловини маҳкам тутган. Ўнг қўлини баланд кўтариб олам аҳлини аҳилликка, адолатга чорламоқда. Нигоҳидаги қатъиятда унинг одиллиги, донишмандлиги, мардлиги ва матонати намоён. Ҳайкал тагкурсисида Соҳибқирон сиёсатининг асоси бўлган «Куч — адолатдадир» шиори зарҳал ҳарфлар билан тўрт тилда ёзиб қўйилган. Буюк бобокалонимизнинг бу бебаҳо ҳикмати хиёбонга келган ҳар бир инсон қалбида акс-садо бермоқда, эзгуликка ундамоқда.

Соҳибқирон ҳайкали теграсида бир гуруҳ сайёҳлар суратга тушаётир. Уларни суҳбатга чорладим. Ўзини Цю Гуи Ши деб танитган хитойлик меҳмон таассуротларини сўзлаб берди:

— Ўзбекистонга биринчи келишим. «Ўзбекистон» меҳмонхонасига жойлашдик. Хонам деразасидан хиёбон яққол кўриниб туради. Дўстларим билан келишиб, Амир Темур ўнг қўлида ишора қилиб турган манзилга борадиган бўлдик. Сайилгоҳ кўчаси бўйлаб юриб Мустақиллик майдонидан чиқиб қолибмиз. Амир Темур шу ерга ишора қилган экан-да, деган фикр ўтди хаёлимдан. Меҳмонхона хизматчиларидан бирига шу ҳақда айтдим. У ҳайкалнинг рамзий маъносини гапириб берди. Кейин Темурийлар тарихи давлат музейига бордик. Амир Темур ва темурийлар даврига оид ноёб экспонатлар билан танишдик. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари кўплаб аждодларингиз ҳақида Хитойнинг Бэйши ва бошқа солномаларида ҳам атрофлича маълумотлар берилган. Ҳозир шу майдонда турибману, ўқиганларим кўз ўнгимдан бирма-бир ўтмоқда. Шундай буюк зотларнинг ворисларига астойдил ҳавасим келди.

